# ДОН ТЕГИРМОНДА УНГА АЙЛАНГУНЧА ЙИГИРМА ЧАҚИРИМ ЙЎЛ БОСАДИ

## — дейди «Шўрчи дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти раҳбари Омон Бекназаров

***Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси тегирмонлари олиб келиб ўрнатилган «Шўрчи дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти бир кеча-кундузда 600 тонна донни қайта ишлаб, ярим минг тонна сифатли ун ишлаб чиқариш қувватига эга. Вилоятнинг ун маҳсулотига бўлган эҳтиёжининг етмиш фоизини шу корхона таъминлайди. Бу ерда жами минг нафар ишчи ва мутахассислар меҳнат қилади. 1998 йилни жамоа аҳли катта даромад билан якунлашди. Ишчилар маоши ортди. Акциядорлар бир сўмига бир сўмдан дивидент олиш арафасида туришибди. Моддий манфаатдорлик бор жойда эса иш унумли, маҳсулот сифатли бўлади.***

***Бугунги бозор шароитида баъзи корхоналар сифатсиз маҳсулотини сотолмай инқирозга учраётган, яна бири ишчиларига маош топиб беролмаётган бир пайтда ўз ишини қайта қуриб олган мазкур жамоа юксалиш пиллапоясига дадил қадам қўймоқда. Бу бозор талаби. Бозор эса, дангасаликни, ғирромликни ёқтирмайди. Корхонанинг асосий кўзгуси — маҳсулот. У сифатли ва арзон бўлса, харидорлар ўзлари келишади.***

Корхона раҳбари Омон Бекназаров ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор йигит. Ўзи полвон. Бу унга бобо мерос. Ҳозир ҳам кураш, кўпкарилардан қолмайди. Кураги ер кўрмаган йигитлардан. Дангалчи. Баъзиларга ўхшаб гапни айлантириб ўтирмайди. Самимий, юракдан гапиради. Муддаони англагач, у бизни хонасига бошлади. Котиба қизга чой келтиришни айтиб, ўзи телевизор қулоғини буради.

— Бу ерга ишга келганимда аҳвол танг эди. Шуни видеотасмага тушириб қўйгандим, — деди Омон ака.

Экранда ярим хароба, узоқ йиллар таъмирланмаган маҳобатли бино кўринди. Қаватларнинг ҳеч бирида дераза ойналари йўқ, шифтлари ўпирилиб тушган, баъзи жойларнинг эшик-деразалари кўчириб олинган. Ускуналар ишга яроқсиз, сочилиб ётибди. Ҳовлида турли чиқиндилар, ахлат уюмлари.., хуллас нохуш манзара.



Корхона раҳбари Омон Бекназаров (ўртада), ишчилар Н. Курбонов ва Қ. Карановлар тегирмон цехида.

— Шундай катта корхонада икки, уч тегирмон ишларди холос. Ишда унум, ишчиларда қўним йўқ эди, — изоҳлади Омон Бекназаров. — Ростини айтсам, аввалига қўл силтаб кетиб қолмоқчи ҳам бўлдим. Лекин, орият йўл қўймади. Бунинг устига раҳбарлар ишонч билдиришган. Полвонлар номусли бўлишади. Аввало, майдонга чиқма. Чиқдингми, кураш. У ёғига ё Раззоқ!

Кўзни юмиб, енг[illegible]ариб ишга киришдик. [illegible]овни ака, бировни ука деб тўрт ойда корхонани тўлиқ таъмирдан чиқардик. Бешинчи ойда янги ускуналар олиб келиниб ўрнатилди. Шундан бери корхона тўла қувват билан ишламоқда.

Завод ҳовлисига чиқиб видеотасмада кўринган жой шу эканлигига ишонгимиз келмади. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Умуман бошқача манзара. Шу пайт муҳтарам Президентимизнинг Фарғона вилоятига қилган сафарлари чоғида айтган сўзлари ёдимга тушди «Қилса бўларканку?!».

Цех ичига юрдик. Омон ака гавдасига мос келмаган чаққонлик билан зинадан кўтарила бошлади. Тегирмон цехида саф тортган янги ускуналар бир маромда шовқинсиз ишлаб турибди. Санадик, 43 та. Атроф ёғ тушса, ялагудек. Икки тегирмончи (оператор) техникалар ишини кузатиб юришибди. Илгари тегирмончи деганда қош-кўзига ун гарди қўнган, кийимлари чанг одам кўз олдимда гавдаланарди. Бу ердагилар ундай эмас. Дорихонада ишлайдиган мутахассислардек махсус коржомада.

Сон-саноқсиз тунука қувурлар орқали тегирмонларга бир меъёрда тушиб турган сара буғдой зум ўтмай янчилиб, унга айланмоқда. Кучли ҳаво сўрғичлари унни элак цехига ўтказаяпти. Бу ерда ун эланиб, кепаги олингач, бошқа қувурлар орқали қадоқлаш цехига узатилаяпти. Иш жараёни аниқ ва пухта.

— Элеватордаги дон ун бўлиб қопга тушгунча шу қувурлар орқали йигирма чақирим йўл босади, — дейди корхона раҳбари. — Даладан то элеваторгача бўлган масофа бунга кирмайди. Вилоят деҳқонлари бултур 250 минг тоннадан зиёд сара дон етиштириб, ғаллачиликда ўзига хос бурилиш ясадилар. Деҳқонлар оғирини енгил қилиб, биз билан шартнома тузган барча хўжаликлардан ҳосилни сўнгги мисқолигача ўзимиз ташиб олдик. Ғалла етиштириш йилдан-йилга ўсиб бораяпти. Бу зиммамизга катта масъулият юклайди.



Бошқарув маркази оператори Саулия Ўзагалиева.

Омон Бекназаров чиндан тадбиркор раҳбар. Йўқса, хароб бўлиб ётган корхонани беш ойда тиклаб, тўла қувват билан ишга тушириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Корхона ишлаб чиқараётган биринчи нав унни кўрсангиз худди олий нав дейсиз.

Заводнинг иқтисоди бақувватлашиб бораяпти. Мулкка эгалик ҳисси кучаймоқда. Уюшқоқлик билан қилинаётган иш амалий натижа бера бошлади. Бугунги кунда корхона акцияларига харидор кўпайиб бормоқда. Ҳеч ким ўз акциясини бошқа бировга сотмоқчи эмас. Чунки, жарақ-жарақ дивиденд тўланаяпти. Завод қошидаги ёрдамчи хўжаликда 182 бош қорамол боқилаяпти. Ҳар ойда ишчиларга арзон нархда гўшт сотилаяпти. Иккита кўлда балиқ етиштирилмоқда. Асаларичилик ривожлантирилаяпти. Яқинда 30 минг шартли банка мева консерваси ишлаб чиқарувчи цех ишга туширилди.

Савоб ишлар ҳам четда қолмаяпти. Янги йил арафасида ногиронлар ва боқувчиси йўқларга 300 минг сўм пул берилди. Меҳрибонлик уйлари ва бошқа хайрли ишларга уч миллион сўм ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир байрам арафасида ишчиларга қўшимча маош берилмоқда. Тунги сменада ишловчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланган.

Ишчиларга коржома ва қоп тикиш цехларининг ишга туширилиши четдан ушбу нарсаларни сотиб олишга чек қўйди. Бу ҳам иқтисоднинг бир тури. Қаерда интизом қаттиқ бўлса, ўғирлик, талон-торож барҳам топади. Корхонада тартиб бор, интизом бор. Ҳамма ўз ишини билиб қилаяпти. Ишлаб топаётган даромадлари эса рўзғорини бекаму кўст тебратишга етаяпти.

«Бугунги раҳбар қандай бўлиши ва қандай ишлаши лозим?» — деган саволимизга Омон Бекназаров шундай деди:

— Юртбошимизнинг куйиб-ёниб сўзлашларидан ўзига хулоса чиқармаган раҳбардан фойдали фикр чиқиши гумон. Раҳбарлар бизга ишониб вазифа бердими, бажаришимиз шарт. Ор-номуси йўқ йигитдан, кўчада ётган тош яхши. Йигит ҳеч қачон бойликнинг кетидан қувмаслиги керак. Бойлик йигитнинг кетидан қувсин. Эл учун, юрт учун хизмат қилмоқ ҳар бир инсоннинг бурчи бўлмоғи лозим. Оддий чўпон бўлса ҳам юракдан ёниб яшаса асл фидойи — ана шу. Ҳалоллик раҳбарнинг тожи. Ватанимизни, Президентимизни бутун вужудимиз билан севиб яшаш бахти ҳаммамизга насиб этсин. Шу бахт соясида келажак авлодимиз улғайиб вояга етсин.

**Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

**Муаллиф олган суратлар.**



Қадоқловчи Олим Мўминов.

# ХАТОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

**Замин саховати чексиз. Унга меҳр кўрсатилса, вақтида парваришланса, керакли ўғитга тўйдирилса, деҳқонга зиёдаси билан қайтаради. Буни ҳар бир миришкор яхши билади. Бироқ шунга қарамай кўп жойда йиллар давомида шу оддий ҳақиқатга амал қилинмади. Хўжакўрсинга ер пала-партиш тирналган, ўғит номига сочилган бўлди-ю, баҳорда экиш ишлари бошлаб юборилаверди. Ерга ҳеч нима бермай ундан олмоқчи бўлганлар адашди. Заминни эмас, ўзини-ўзи алдади. Бу кўпларга унутилмас сабоқ бўлди.**

**Мўл ҳосил ундиришнинг бош омили кузги-қишки тадбирларнинг муддатида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида мирзаободлик миришкорлар ҳам ҳаракатни барвақт бошлаган эдилар. Улар Сирдарё вилоятида биринчилар қаторида шудгорлаш ишларини тугаллаган эдилар. Далаларга ҳайдов олдидан керакли миқдорда ўғит солинди. Экиш техникасини мавсумга ҳозирлаш ҳам ниҳоясига етмоқда. Бу тўғрида раҳбар ва мутахассислар шундай дейишди.**

**Рустам ХОЛБОЕВ,**
**Турғун Аҳмедов номли деҳқон ва фермер хўжаликлари бирлашмаси раҳбари:**

— Мана, улкан орзулар билан 1999 йилни бошлаб юборганимизга ҳам қарийб бир ой бўлди. Амалдаги йилда барча соҳалар қатори деҳқончилигимизнинг ҳам баракасини берсин. Зеро, улуғлар айтганидек, деҳқони тўқ юрт бадавлатдир. Деҳқон жами ноз-неъматни ердан ундиради. Ер инсонни тўйдиради, кийдиради, турмушини фаровон қилади.

Йўлбошчимиз яқинда Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғинда ҳаммамиз учун дастуриламал бўладиган ҳақ гапни эслатдилар: ерни боқсанг, ер сени боқади. Дарҳақиқат, ушбу мақолга амал қилган миришкор ҳеч кам бўлмайди. Умид билан ташлаган уруғи бўлиқ ниҳолга, у эса мўл ҳосилга айланади. Демакки, ризқимиз бутун, давлатимиз зиёда бўлади.

Топширикда кўрсатилган 950 гектар майдонни кечиктирмай шудгорлаб қўйдик. Гектарига 100 килограмдан минерал ва етарли миқдорда маҳаллий ўғит бердик. Ерларнинг чуқур ҳайдалишига эътиборни кучайтирдик, 40 сантиметрдан кам бўлмади. Майдонларнинг бир қисмида пушта олинди. Мана, қор, ёмғир ҳам вақти-вақти билан ёғаяпти. Чопилган ер ўзига зарур малҳамни сингдираяпти. Насиб этса, бу 1999 йил деҳқончилигимизга ижобий таъсирини кўрсатади.

Ўтган Оила йилида далалар оилавий пудратчиларга ўртача 30 гектардан бўлиб берилган эди. Ҳамма тасарруфидаги жойда астойдил тер тўкди. Чунки ер унинг ихтиёрида, қанча кўп ҳосил олса, даромади ўзиники. Чўл шароитига қарамай қатор пудратчилар ҳосилдорликни 30 центнерга етказишди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда пахтачиликдан камида уч миллион сўм соф фойда кўрамиз.

Ғалла майдонларидаги қалин яшил майсаларни кўрган кишининг ҳаваси келади. 830 гектар ердаги экиннинг 100 фоизи туплади. Ўсимлик ҳозиргача икки марта озиқлантирилди, икки марта суғорилди. Яхши ният-ярим давлат деганларидек, гектаридан 40 центнердан ғалла етиштириш орзусидамиз.

Албатта, мўл ҳосил етиштириш осон эмас. Бунинг учун аввало заминга меҳр керак, уни ардоқлаш керак. Ўшандагина деҳқон меҳнати зое кетмайди, ердан мукофотини олади.

**МУХБИР КУЗАТИШЛАРИ. Олдинлари ҳам ушбу туманда бўлганмиз. Хўжаликлардаги аҳвол билан танишганмиз. Тўғрисини айтганда у пайтларда аҳвол жуда қониқарсиз эди. Кузда юзлаб гектар ер ҳайдалмас, баҳорда юзлаб гектар жойга экин экилмай қолиб кетарди. Яъни замин умри беҳуда ўтарди. Шу боис бир неча бор танқид ҳам қилинган. Кишини хурсанд этгани бу йил ўтган йиллардаги нуқсонлар, ўзибўларчиликлар барҳам топаётганидир. Кузги-қишки тадбирлар муддатида, талаб даражасида адо этилаётир. Атай чекка хўжаликлардаги, кўздан йироқ далаларни бориб кўрдик. Тупроққа бир меъёрда ишлов берилган, меъёрида ўғит солинган. Тупроқ майин, чуқур. Йўлбошчимиз, ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга эътиборни кучайтиргани, қолаверса туманга ёниб ишлайдиган иқтидорли раҳбар ва мутахассислар келгани туфайли жойларда жонланиш сезилади. Янги йилда астойдил бошланган саъй-ҳаракатлар келажакда кутилган натижасини берсин ишқилиб.**

**Ўрол УМРЗОҚОВ,**
**«Мирзачўл» деҳқон ва фермерлар уюшмаси бош муҳандиси:**

— Аччиқ бўлса ҳам айтиш керак, кўп жойда кейинги йилларда деҳқончилик маданиятига, агротехника талабларига риоя этилмай қўйилган эди. Кузги-қишки тадбир дейилса даланинг бир қисми номига ҳайдалган бўлар, техника пала-партиш таъмирланиб ҳисобот жўнатилар эди. Кейин экиш мавсумида ўнта «тахт» техникадан атиги битта-иккитаси далага чиқар эди. Натижада экиш ишлари чўзилиб, ғўза парваришини бараварига олиб боришнинг имкони бўлмасди.

Дарҳақиқат, ризқимиз, насибамиз ердан экан, уни эъзозлашимиз, келгуси авлодларга бақувват, соғлом қолдиришимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида зиммамиздаги юмушларни адо этаяпмиз. 1298 гектар ерни кечиктирмай шудгорлаб, ўғит бердик. Баҳорда чигит экиладиган майдонларнинг барининг шўрини ювишни режалаштирганмиз. Ҳозиргача 1000 гектар даланинг шўри ювилди. Хўжалик раҳбари Раимқул Анорбоев ҳар бир тадбирнинг сифатли бажарилишида бошқош бўлаётир.

Маълумки, ҳозирги замон деҳқончилигини техникасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ер ҳайдашдан тортиб то ҳосил йиғиб олингунга қадар асосий оғирлик техника зиммасига тушади. У ишлаб турса деҳқон иши унади. Шуни мамнуният билан айтишим лозим, техника таъмирини туманда биринчилар қаторида якунладик. 3 та текислагич, 8 та сеялка, 3 та мола, 16 та культиватор, 5 та трактор, 8 та чизель, 150 та борона экиш мавсумига шай қилиб қўйилди. Топшириқни тез ва соз уддалашда тракторчи ва таъмирчилардан Фахриддин Бобонов, Кўбай Бўтанов, Бахтиёр Маматқулов, Озод Машарипов, Ҳайдар Бойнозов астойдил ғайрат кўрсатишди. Меҳнат жараёнида уларга етарли шароит яратилди. Ҳар куни иссиқ овқат тайёрланди.

**МУХБИРНИНГ КУЗАТИШЛАРИ. Тракторларни юргизиб, сеялкаларни ишлатиб кўрдик. Бари ишлаяпти. Техника ва мосламалар бир чизиққа қўйилган. Бўлар экан-ку! Олдинги йилларда хўжаликда ғалладан ҳам кутилган ҳосил олинмаган эди. Хатолардан сабоқ олинган кўринади. 818 гектардаги ўсимликнинг ривожи дуруст. Майсалар бир текис ривожланиб, туплашга кирган. Шу кунгача экин икки марта ўғитланиб, икки марта суғорилди. Ғаллакорлар режадаги 26,5 центнер ўрнига 30 центнерни кўзлашган. Мутахассислар фикрича шунчадан ҳосил олишга имкон бор. Насиб этса бу йил «Мирзачўл»нинг ғалла хирмони янада катта бўлади.**

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# РЎЗҒОР БУТ, ДАСТУРХОН ТЎКИН

Мана бир неча йилдирки, Усмон Юсупов туманидаги «Миришкор» хўжалиги мунтазам равишда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш режасини муваффақиятли адо этиб келади. Бултур хўжалик деҳқонлари давлатга 8 минг 735 тонна пахта, 4 минг 622 тонна ғалла етказиб берди. Пахтадан ўртача 31 центнер, ғалладан эса 35 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу Қарши чўли шароитида юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Очилбой Ҳазратқулов, Шерали Мамаев, Абдураҳмон Қурбонов сингари оилавий пудратчилар ҳар гектар пахта майдонидан ўртача 45 центнердан ҳосил олган бўлса, Усмон Давронов, Нормурод Қурбонов, Мамади Солиҳов каби оилавий пудратчилар ҳар гектар ердан 50-60 центнердан ғалла олишга муваффақ бўлди. Натижада хўжалик ўтган йил 50 миллион сўм даромад олди.

Муваффақиятларимизнинг асосий омили оилавий пудрат асосида иш юритаётганимиздир, — дейди хўжалик раиси Шодмонқул ака Чориқулов. — Даромадга қараб буромад деганларидек, хўжалик аҳолисининг 95 фоизи табиий газ қулайликларидан баҳраманд бўлди. Ичимлик сув қувурлари тортилди. 624 ўринли янги мактаб, қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.

Деҳқонларнинг рўзғори бут, дастурхони тўкин бўлиб бормоқда. Хўжаликда ишловчиларга маошлар ўз вақтида бериб борилади. Бундан ташқари натура ҳисобида ҳақ тўлаш ҳам йўлга қўйилган. Аҳолига ғалла, ёғ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорга нисбатан анча арзон нархда сотилади.

«Миришкор» пайчилик хўжалиги бугунги кунда нафақат Қашқадарёда, балки мамлакатимизда ҳам пешқадамлардан саналади. Бунинг асосий омили бу ерда иш оилавий пудрат, мулкий пай усулида ташкил этилаётганидир.

# ОИЛА ПУДРАТИ — ЖАМОА ҚУДРАТИ

Самарқанд туманидаги Фотима Қосимова номли жамоа хўжалиги узумчилик, мевачилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган. Бу ерда кейинги пайтда иш юритишнинг истиқболли усуллари қўлланилаётганлиги, деҳқончилик маданиятини ошириш борасида кўрилаётган тадбирлар, мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланилаётганлиги боис режалар мунтазам равишда уддаланиб келиняпти. Натижада ҳар йили олинаётган даромад миқдори ҳам ортиб бормоқда.

Ўтган йилни ҳам хўжалик аъзолари муваффақиятли якунладилар. 1000 тонна ўрнига 1850 тонна сабзавот, 250 тонна ўрнига 272 тонна картошка ва шартнома режасида кўрсатилган бошқа маҳсулотлар етиштирилди. Тўғри, узумчилик учун об-ҳаво бироз ноқулай келганлиги боис бу борадаги топшириқ бажарилмай қолди.

Ғаллачиликдаги кўрсаткичлар ҳам қувонарлидир. «Скифиянка» навли буғдойнинг ҳар гектаридан 45,5 центнердан дон олишга муваффақ бўлинди. Ҳаммаси бўлиб 626 тонна буғдой етиштирилди. Ғалла йиғиштириб олингач, майдонларга сабзавот экинлари қадалди. Улардан ҳам мўл ҳосил олинди.

Жамоа хўжалигидаги барча тармоқлар фойда келтиради. Масалан, чорвачиликни олиб кўрайлик. Сир эмаски, охирги йилларда мазкур соҳада бир қатор туманларда иш орқага кетди. Сут, гўшт етиштириш кескин камайиб, моллар бош сони озайди. Баъзи одамларда, айрим мутахассисларда ҳам чорвачилик фойда бермайдиган тармоқ деган тушунча пайдо бўлди. Лекин ушбу хўжаликда соҳадан олинаётган фойда ҳар йили ўсиб бормоқда.

Ўтган йилги кўрсатгичлар ҳам фикримизнинг далилидир. Ҳаммаси бўлиб жамоа фермасида 318 қорамол парвариш қилиняпти. 240 тонна ўрнига 263 тонна сут, 11,4 тонна ўрнига 16 тонна гўшт етиштирилди. Ҳар бир сигирдан йил давомида 2800 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинди. Қишнинг қировли кунлари бўлган айни пайтда ҳам маҳсулдорлик камайиб кетгани йўқ.

Жамоада 8 гектар ерда иссиқхона мавжуд. Ундан ҳам унумли фойдаланилаётганлиги боис бодринг, турли хил кўкатлар, лимон етиштириляпти. Энг асосий иссиқхона ҳам хўжаликка ҳар йили миллионлаб сўм фойда келтирмоқда. Масалан, ўтган йилнинг ўзида ундан 4,5 миллион сўмга яқин соф фойда олинди.

Хўжаликнинг бизнес режасига кўра йил 68,3 миллион сўм даромад билан якунланиши кўзда тутилган эди. Яқинда жамоа ҳисобчилари томонидан барча иқтисодий кўрсаткичлар сарҳисоб қилинди. Олинган фойда 13,7 миллион сўмни ташкил қилди. 1997 йил эса бу кўрсаткич 8,6 миллион сўм бўлган эди. Иқтисодиёт мустаҳкамланиб бораётганлиги сабабли одамларнинг иш ҳақи ўз вақтида бериб бориляпти. Ҳар бир кишига берилаётган маош йил якунига кўра уч ярим минг сўмдан ошди.

Жамоада ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Хонадонларнинг ҳаммаси газ, ичимлик суви билан таъминланган. Мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари таъмири учун маблағ ажратиш йўлга қўйилган.

Муваффақиятлар нималар эвазига қўлга киритиляпти, уларнинг омиллари нимада деган саволнинг туғилиши табиий. Бунга барча тармоқларда оила пудратининг жорий қилинганлиги боис эришиляпти. Экин майдонларининг ҳаммаси шартнома асосида одамларга бўлиб берилган. Шартномада кўрсатилганидан ортиқча маҳсулот деҳқоннинг ўзида қолаяпти. Бу ҳам уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаяпти. Одамлар рўзғоридан ортиқча ҳосилни бозорга олиб чиқиб сотишяпти.

— Давр омилкорлик билан иш юритиш, даромад топишнинг янги усулларини излашни талаб қилаяпти, — дейди жамоа хўжалиги раиси Фарҳод Муталибов. — Оила пудрати биз учун энг фойдали усулдир. У биз учун, одамлар учун ҳам ниҳоятда маъқулдир. Бу борада ишлатилмаётган имкониятларимиз ҳам бор. Биз уни жорий йилда қўллаш ниятидамиз.

Дарҳақиқат, оила пудратининг афзалликлари кўп. Агар иш юритишнинг мазкур истиқболи усулидан самарали фойдаланилса, ютуқларнинг кўпайиши шубҳасиздир. Биз буни бир хўжалик мисолида кўриб, ишонч ҳосил қилдик.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Ислоҳот қирралари*

# ЎҒИТ — ЕР ҚУВВАТИ

Ҳар қандай экиндан кўзланган ҳосилни олиш энг аввало ернинг қувватига боғлиқ. Ер эса қувватни меъёрида солинган маҳаллий ва маъданли ўғитдан олади. Бу оддий ҳақиқатни тўғри англаб, амалда қўллаётган Сурхон деҳқонлари айни шу қиш кунларида салкам ярим миллион тонна маҳаллий ўғит тўплашга киришди. Вилоят хўжаликларида ҳозиргача 130 минг тоннадан кўпроқ маҳаллий ўғит тайёрланди.

(ЎзА).

# ОЛАМДА НИМА ГАП

● БАҒДОД. АҚШ ва Буюк Британиянинг ўтган йил декабрь ойида Ироққа ҳаводан зарба бергани хавфсизлик кенгашида муҳокама қилинмас экан, Бағдод маъмурияти БМТ текширувчилари билан ҳамкорликни давом эттиришга рози бўлмайди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, Ироқ ҳукумати ана шундай баёнот берган.

* * *

● МЕХИКО. Яқинда Венесуэла президенти этиб сайланган Уго Чавес бу лавозимни бажаришга 2 февралдан эътиборан расман киришади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, яқинда Венесуэла савдо федерацияси ва саноат палатаси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда У. Чавес уларни республикадаги иқтисодий тангликни бартараф этиш учун янги иқтисодий моделни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга чақирган.

* * *

● АФИНА. Арманистон, Болгария, Кипр, Россия, Словения ва Украина алоқа муассасалари вакиллари Қора денгиз тубидан ўтувчи 1,5 минг километр узунликдаги оптик кабелни ўтказиш тўғрисидаги битимни имзолади.

Унга кўра, кабел ўтказиш ишлари 2000 йилнинг иккинчи чорагида ниҳоясига етказилади. Мазкур лойиҳанинг баҳоси 51 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлиб, унинг 18 миллионини Греция тўлайди.

Греция транспорт ва коммуникация вазири Т. Мантелиснинг таъкидлашича, алоқа тизими фойдаланишга топширилгач, Греция жануби-шарқий Европа, Африка ва Узоқ Шарқ телекоммуникация тармоқларига боғланиш имкониятига эга бўлади.

(ЎзА).

